

Етказиб бериш шартномаси № 01

Андижон шаҳар

«25» январь 2022 йил

Бизлар ким куйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан «MADAD 2020» хусусий корхонаси номидан К.Рахматуллаев келгусида (кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади) ва иккинчи томондан Вилоят Болалар уйи номидан ўз низоми асосида иш олиб борувчи раҳбар Д.Б.Саттарова келгусида (кейинги ўринларда «ташкилот» ёки «харидор») деб юритилиб, куйидаги мазмунда шартнома туздилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ:

- 1.1 «Таъминотчи» мазкур шартномада келишилган озиқ-овқат маҳсулотини муддатида «Ташкилот»га етказиб бериш, «Ташкилот» эса маҳсулотларни кабул килиб олишни ва пулинни тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2 Маҳсулотлар таннархи, микдори, сифати ва баҳоси куйида келтирилган жадвалда кўрсатилган.

<i>№</i>	<i>Маҳсулот номи</i>	<i>Ўлчов бирлиги</i>	<i>Сони</i>	<i>Нархи</i>	<i>Умумий сумма</i>
1	Мол гўшти	Кг	10	65 000,00	650 000,00
2	Тухум	Дона	300	900,00	270 000,00
3	Шакар	Кг	50	8 800,00	440 000,00
4	Сариёғ (82,5%)	Кг	35	35 000,00	1 225 000,00
5	Ош тузи	Кг	10	1 000,00	10 000,00
6	Печенье	Кг	25	14 000,00	350 000,00
7	Макарон	Кг	25	5 000,00	125 000,00
8	Перловка	Кг	25	4 500,00	112 500,00
9	Манная крупа	Кг	25	6 000,00	150 000,00
10					
11					
12					
Жами					3 332 500,00

Жами: 3 332 500,00 (уч миллион уч юз ўттиз икки минг беш юз) сўм 00 тийин.

2. ТАЪМИНОТ ШАРТЛАРИ:

- 2.1 «Таъминотчи» таъминотни фақатгина «Ташкилот» буюртмасини олгандан сўнг амалга оширади, маҳсулотни буюртма олгандан сўнг 3 кун муддат ичига белгиланган хажмда амалга оширади.
- 2.2 «Таъминотчи» маҳсулотни «Ташкилот»нинг куйидаги манзилига автомобиль транспорти орқали етказиб беради. Етказиб бериш манзили: Андижон шаҳар Ўзбекистон кўчаси №202-й.
- 2.3 Маҳсулотлар «Ташкилот»нинг омборига етказиб берилгандан ва белгиланган тартибда кабул килиб олингандан сўнг, маҳсулотга эгалик хукуки ва жавобгарлик мажбурияти «Ташкилот» га ўтади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:

- 3.1 «Ташкилот» маҳсулот етказиб берилиши белгиланган вақтга кадар 1 кун муддат ичига «Таъминотчи»га маҳсулот учун буюртмани куйидагиларни кўрсатган ҳолда такдим этади:
Етказиб берилиши керак бўлган маҳсулотлар микдори; маҳсулот сифати; маҳсулот ассортименти;
- 3.2 Етказиб берилиши керак бўлган маҳсулотнинг ассортименти микдори ҳамда таъминот муддатларини «Ташкилот» мустакил равишда, ушбу шартноманинг тузилиши учун асос бўлган танлов (тендер) савдоси ташкил этган комиссия баённомасида кўрсатилган ёки комиссия томонидан кўйилган шартлардан келиб чиқкан ҳолда белгилайди.
- 3.3 «Таъминотчи» томонидан маҳсулотлар етказиб берилмай қолганда, етказиб берилмаган микдордаги маҳсулотни 1 кун муддат ичига ёки «Ташкилот» билан келишилган ҳолда, шартнома амал қилиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кўзда тутилган маҳсулотларга қўшиб етказиб бериш мажбуриятини олади.
- 3.4 «Таъминотчи» томонидан етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилган маҳсулотларни «Ташкилот» огохлантирилган ҳолда кабул киласлик хукукига эга.
- 3.5 «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган маҳсулотлар сифати талабга жавоб бермаслик холатларида «Ташкилот» куйидаги талабларни куйиши хукукига эга.
Харид нархларини (етказиб берилган сифатсиз маҳсулотлар киймати билан сифатли маҳсулотлар киймати ўртасидаги фарқ)га камайтириш
Сифатсиз маҳсулотларни, «Таъминотчи» хисобидан сифатли маҳсулотларга 1(бир) кун муддатда алмаштириб беради;
- 3.6 Сифатсиз маҳсулотларни «Ташкилот» томонидан ўз маблағлари эвазига, яроклисини ажратишга уни тозалашга ва маҳсулотни ярокли ҳолга келтириш учун бошқа харажатларни тулаш;
Агар «Таъминотчи» мазкур шартномада белгиланган микдордаги маҳсулотни етказиб бермаса ёки «Ташкилот»нинг сифатсиз маҳсулотларини алмаштириб бериш хакидаги талабларини бажармаса белгиланган тартибда қўшимча келишувга асосан бекор килиниши мумкин.

4. МАҲСУЛОТЛАР БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ:

- 4.1 Шартноманинг умумий киймати: **3 332 500,00 (уч миллион уч юз ўттиз икки минг беш юз) сўм 00 тийинни** ташкил этади.
- 4.2 Олинган озиқ-овқат маҳсулотлар учун тўловлар «Ташкилот» бюджет ҳисоб ракамидан **3 332 500,00 (уч миллион уч юз ўттиз икки минг беш юз) сўм 00 тийин** маблағни пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.
- 4.3 Ҳисоб-китоб «Ташкилот» томонидан пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.